



Analysis of the efficiency of participation of lay judges in court proceedings

Kamoliddin MAVLANOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2023

Received in revised form

15 November 2023

Accepted 25 November 2023

Available online

15 January 2024

Keywords:

lay judges,
public control,
competition,
court session,
trial.

ABSTRACT

This article analyzes the basis for the participation of lay judges - representatives of the public in considering cases of especially serious crimes, shortcomings, and problems in their work, the causes of these problems, and ways to eliminate them. The article also studied the criminal procedural legislation of several developed countries in Asia and Europe and carried out a comparative legal analysis with our national legislation. At the end of the article, proposals are given for the development of this legal institution.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss10/S-pp227-232>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Суд мажлисида халқ маслаҳатчилари иштирокининг самарадорлиги таҳлили

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

хал маслаҳатчиси,
жамоатчилик назорати,
тортишув,
суд мажлиси,
суд муҳокамаси.

Мазкур мақолада жамоатчилик вакиллари бўлган халқ маслаҳатчиларининг ўта оғир жиноят ишларининг қўрилишида судда иштирок этиш асослари, уларнинг фаолиятида мавжуд камчилик ва муаммолар, ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этиш йўллари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада бир қатор ривожланган Осиё ва Европа давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилиги ўрганилган бўлиб, миллий қонунчилигимиз билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Мақола якунида ушбу ҳуқуқ интитутини ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

¹ Senior Lecturer, PhD, Tashkent State University of Law. E-mail: kamoliddinmavlanov@gmail.com

Анализ эффективности участия народных заседателей в судебном разбирательстве

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

народные заседатели, общественный контроль, состязательность, судебное заседание, судебное разбирательство.

В данной статье анализируются основания участия народных заседателей - представителей общественности при рассмотрении дел об особо тяжкие преступления, недостатки и проблемы в их работе, причины этих проблем и пути их устранения. Также в статье изучено уголовно-процессуальное законодательство ряда развитых стран Азии и Европы, проведен сравнительно-правовой анализ с нашим национальным законодательством. В заключении даны предложения по развитию данного правового института.

Жиноят ишлари юритувида халқ маслаҳатчиларининг мавжудлиги, биринчи навбатда соҳанинг демократик хусусиятга эга эканлиги, тизимнинг халқчил эканлигини англатади. Бу институт орқали жамоатчилик судлар фаолиятини, улар томонидан чиқарилаётган қарорларнинг асослилиги, қонунийлигини маълум даражада назорат қилиш имконига ҳам эга бўлади. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, халқ маслаҳатчилари жиноят ишини биринчи инстанция сифатида кўриш жараёнида иштирок этувчи, одил судловни амалга оширишда судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланувчи шахслар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сон “Судлар тўғрисида”ги Қонуни халқ маслаҳатчиларининг ҳуқуқий мақомига оид энг асосий қоидаларни белгилаб беради. Шунингдек, Жиноят-процессуал кодексда ҳам иш юритиш жараёнида халқ маслаҳатчиларининг ваколатларини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор нормалар мустаҳкамланган. Бироқ, мавжуд норматив ҳужжатлар халқ маслаҳатчиларининг халқ жамоатчилиги номидан судларга чинакам “маслаҳатчи” бўла олишини таъминлаб бера олмаяпти. Уларнинг ишни кўриш жараёнидаги иштироки таҳлиллари мазкур процессуал-ҳуқуқий институтни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатади.

Бизнингча, халқ маслалатчилари иштироки самарадорлигининг асосий сабабларидан бири – бу уларнинг ишда қатнашишдан ҳеч қандай манфаатдор бўлмаслигида. Қонунчиликка кўра, уларга ҳақ тўланмайди, асосий иш жойидаги иш ҳақи ўша кунга сақланади, холос. Бу ҳолат эса халқ вакилларини қаноатлантирмайди (Масалан, Россия Федерациясида [1] маслаҳатчилар ўз фаолиятларини амалга ошириши давомида федерал бюджетдан судья иш ҳақининг ½ қисми миқдорида мукофот пули берилади. Унинг миқдори шу муддат давомида асосий иш жойидан олдиган ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Худди шундай моддий рағбатлантириш Қозоғистон Республикасида ҳам амал қилади [2]). Шунинг учун ҳам бугунги кунда уларнинг суд мажлисида иштирокини таъминлашнинг ўзи судьялар учун ҳам муаммоли масалалардан биридир.

Уларнинг қонунда ўрнатиб қўйилган икки ярим йил муддатда сайланиши тартиби ҳам шунчаки расмиятчилик бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, иш юритувда умуман самарасиз бўлган механизм судлар томонидан фақат

қонунчиликда белгилаб қўйилгани учунгина ишлатилмоқда. Бундан судланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам, ҳимоячилар ҳам, ҳатто судьяларнинг ўзлари ҳам наф кўрмапти. Бошқача айтганда, мазкур ҳуқуқ институти хозирда кераксиз институтга айланиб қолган.

Одил судловни амалга оширишга соҳада билим, тажриба ва кўникмага эга шахслар масъул бўлишлари керак. Судьялар одил судловни таъминлашда – профессионал шахслар бўлиб, иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганиб, ўзларининг ички ишончларига таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар. Бироқ, халқ маслаҳатчилари юқоридаги талаблар асосида жиноят ишини кўриб чиқа олмайдилар. Чунки уларда жиноят-ҳуқуқий соҳа бўйича билим бўлмаслиги мумкин ва бу далилларни ўрганиш жараёнида масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратилмаслигига олиб келади.

Суд мажлиси жараёнида тарафлар фикрларини эшитар экан халқ маслаҳатчилари ўз хиссиётларига таянган ҳолда фактик ҳолатларга баҳо берадилар ва шунинг учун ҳам уларнинг фикрларини бошқариш тарафларга қийинчилик туғдирмайди. Шунинг учун баъзи олимлар ишни кўриш “хаваскорлар” томонидан эмас, профессионаллар томонидан амалга оширилиши кераклигини таъкидалашади. Хусусан, В.М.Матусевич бир қатор муаммоларни таҳли қилар экан, халқ маслаҳатчилари Беларусияда керакли натижани бермаётгани, улар ўз эмоцияларига асосланиб қарор қабул қилаётгани, бунинг устида суд мажлисида жуда суст қатнашаётганини таъкидлайди [3]. В.С.Крук эса халқ маслаҳатчиси бўлиш учун қўйилган талабларни кучайтириш, уларга юридик маълумотни мажбурий этиб белгилашни таклиф этган. Олимга кўра, мазкур талабнинг ўрнатилиши одил судлов сифати ва самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади [4]. Судда иш юритиш жараёнида халқ маслаҳатчиси ёки қасамхўр маслаҳатчилар иштирок этадими, уларнинг одил судловни таъминлашдаги самарадорлиги бир қанча факторларга бориб тақалади. Бунинг учун бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий масалалар суд-ҳуқуқ ислоҳотлари орқали ҳал этилиши зарур.

Жиноят ишлари юритиш соҳасида халқ маслаҳатчиларининг иштироки тарихи совет иттифоқи даврига бориб тақалади ва унинг натижаси 1926 йилдаги биринчи Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал қодексига бориб тақалади. “Халқ суди”, “халқ судьяси”, “халқ маслаҳатчиси” каби атамалар айнан ушбу кодекс билан тартибга солинган эди. Гап шундаки, 1920-йилларда большевиклар томонидан судлар фаолиятига жамоатчиликни жалб этишнинг турли механизмлари ўйлаб кўрилади ва бунда меҳнаткашларнинг халқ маслаҳатчилари сифатида иштироки энг маъқул ечим сифатида кўрилади [5]. Халқ маслаҳатчилари дастлаб фақат кам аҳамиятли жиноят ишлари кўрилишидагина чақирилмаган бўлса, кейинчилик 1959 йилги ЖПКда барча тоифа ишлар биринчи инстанцияда кўрилишида уларнинг суд мажлисида иштироки мажбурий этиб белгиланди [6]. Бугунги кунда эса халқ маслаҳатчилари фақатгина ўта оғир ишлар бўйича биринчи инстанция судида иштирок этмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, халқ маслаҳатчилари непрофессионал судьялар ҳисобланади. Улар бир қатор хорижий давлатлар иш юритувида мавжуд бўлган, лекин улардан фарқ қилувчи қасамхўр (*присяжные*) маслаҳатчилардан суд жараёнида судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши билан фарқ қилади. Айрим ривожланган хорижий мамлакатларда, хусусан **Украина ЖПКнинг 383-**

моддасига кўра, эҳтиёт чораларини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш билан боғлиқларидан ташқари барча масалалар биринчи инстанцияда судья ва қасамхўрлар (*присяжные*) томонидан ҳал этилади [7]. Тергов давомида прокурор ёки суд босқичида суд айбланувчига унга нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятини судда қасамхўрлар иштирокида кўриш ҳуқуқи борлигини ёзма равишда тушунтиришлари шарт.

Қасамхўрлар электрон тизим орқали [8] мавжуд рўйхатда кўрсатилган шахслар орасидан жами 7 кишидан иборат таркибда суд мажлиси бошланишидан камида 5 кун олдин чақиртирилади. Чақирилган қасамхўрларни танлаб олиш жараёни бевосита суд мажлиси жараёнида бўлиб ўтади. Танлаб олинган шахслар эса ЖПКнинг 388-моддасида ўрнатилган тартибда қасам ичадилар. Шу вақтдан бошлаб процесс иштирокчиларининг суд муҳокамаси давомида қасамхўрлар билан мулоқот қилиши тақиқланади.

Ишни кўриш якунлари бўйича суд қасамхўрларининг йиғилиши бўлиб ўтади ва унда суд томонидан ҳукм чиқариш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар овозга қўйилади.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 14-бўлими қасамхўр маслаҳатчилар иштирокида иш юритиш тартибини белгилайди [9]. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу давлатда қасамхўр маслаҳатчилар иштироки талаб қилинадиган жиноят таркиблари, яъни уларнинг судловига тегишди жиноятлар аниқ белгиланган (631-модда). Украинадан фарқли равишда Қозоғистонда иш кўриш жараёнида 10 нафар қасамхўрлар иштироки талаб этилади ва бутун суд муҳокамаси давомида иштирокчиларнинг улар билан мулоқотга киришиши қатъиян тақиқланади.

Шу билан бирга, гумон қилинувчи ёки айбланувчи қасамхўр маслаҳатчилар иштирокида иш кўрилишини сўраб ишни юритаётган масъул шахсга илтимоснома билан мурожаат қилишлари керак бўлади ва уларда бундай ҳуқуқнинг борлигини тушунтириш суриштирувчи, терговчиларнинг мажбурияти ҳамдир. Суд муҳокамаси бошлангандан кейин эса бундай мазмундаги илтимосномалар қабул қилинмайди (634-модда). Мазкур институтнинг муҳим хусусиятларидан яна бири шуки, қасамхўр маслаҳатчилар суд мажлисида иштирокчилар томонидан савол-жавоб қилиш орқали танлаб олинади ва унинг якунида 10 кишидан иборат таркибда қасамхўрлар ҳайъати шакллантирилади.

Булардан ташқари, **Франция** жиноят судларида ҳам жами 9 кишидан иборат бўлган суд маслаҳатчилари фаолият юритади ва уларнинг рўйхати маҳаллий органлар томонидан шакллантирилади. **ГФР** да ҳам шеффенлар суди мавжуд бўлиб, уларда иш уч нафар судья ва икки нафар шеффендан иборат таркибда кўриб чиқилади. Худди шунга ўхшаш икки нафар таркиб билан судда қатнашувчи, халқ, жамотачилик вакиллари институти **Скандинавия давлатлари** жиноят иши юритувида самарали ишлаб келмоқда [10].

Японияда ҳам судда иш юритишда “Сайбан ин” институти мавжуд бўлиб, миллий процессуал қонунчилигимиз билан солиштирганда халқ маслаҳатчилари институтига тўғри келади [11]. Ушбу институт европа стандартлари бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, ишлар 3 нафат судья ва 6 нафар халқ маслаҳатчилари ёки бир судья ва 4 халқ маслаҳатчиларидан иборат таркибда кўриб чиқилади. Бунда халқ вакиллари шакллантирилган рўйхат орасидан танлаб олинади. Муҳим жиҳати

шундаки, иш якуни бўйича айблов ҳукми чиқиши учун халқ маслаҳатчиларининг кўпчилиқ қисми овоз бериши керак.

Қасамхўр маслаҳатчиларнинг ишни судда кўриш жараёнида иштирокига оид бир қатор камчиликлар процессуалист олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, улар айна вақтда халқ маслаҳатчилари учун ҳам долзарб ҳисобланади. Хусусан, В.М.Быков суд мажлиси бошлангунга қадар уларга айблов хулосаси нусхаси тақдим қилинмаслиги, уларнинг иш материалларидан хабардор қилинмаслиги маслаҳатчиларнинг суд мажлисига тайёргарлик кўрмасдан киришишига олиб келмоқда [12]. Қонундаги ушбу масаланинг тартибга солинмаганлиги халқ маслаҳатчилари институтининг ҳам камчиликларидан бири саналади. М.Шуваловага кўра, РФда қасамхўр маслаҳатчилар томонидан чиқарилаётган вердиктларнинг 40% га яқини юқори инстанция судларида бекор бўлиб кетмоқда [13]. Бу кўрсаткич ҳам фуқароларнинг ушбу маслаҳатчиларга нисбатан ишончининг тушишига олиб келмоқда. Умуман олганда, қасамхўр маслаҳатчилар институтни ўз қонунчилигига жорий этган давлатларда ҳам ушбу институт етарлича самара бермаяпти. Уни танқид қилиб, ислоҳ қилиш бўйича илмий адабиётларда олимлар томонидан таклиф ва тавсиялар берилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, *биринчидан* халқ маслаҳатчиларининг юқорида ўрганилган хориж тажрибаси асосида суд мажлисида иштирок этган фаолияти учун моддий ҳақ тўлаш тартиби жорий этилмас экан, уларнинг судда мажбурий иштирокини таъминлаш ҳолатлари давом этаверади ва бундан на фуқароларимиз, на жамият фойда кўради. *Иккинчидан*, халқ маслаҳатчиларининг ваколатларини кучайтириш, шахснинг айнан айбдор ёки айбсиз эканлиги масаласида улар томонидан бериладиган хулосанинг аҳамиятини ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. https://www.consultant.ru/law/podborki/srednij_zarabotok_dlya_prisyazhno_go_zasedatelya/
2. Сколько получают присяжные заседатели и какие привелегии они имеют. <https://aqmolanews.kz/ru/2023/01/20/skolko-poluchayut-prisyajnye-zasedateli-i-kakie-privelegii-oni-imeyut/>
3. Матусевич В.М. Народные заседатели и суд присяжных. БГЭУ (Минск). http://edoc.bseu.by:8080/bitstream/edoc/93199/1/Matusevich_V.M._154_155.pdf
4. Крук В.С. Принцип участия народных заседателей в осуществлении правосудия. http://edoc.bseu.by:8080/bitstream/edoc/89789/1/Kruk_V.S..pdf
5. Камалова Г.Т. Институт народных заседателей в советском суде в годы НЭПа // Вестник ЮУрГУ. Серия: Право. 2016. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/institut-narodnyh-zasedateley-v-sovetskom-sude-v-gody-nera>
6. Махов В.Н., Карабанова Т.Н. Восстановить институт народных заседателей. <https://justicemaker.ru/view-article.php?id=15&art=1428>
7. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 23.08.2023 г.) https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178#pos=4099;-45

8. Глава 3 ЗУ О судоустройстве и статусе судей на русском языке с изменениями 2023 №1402-VIII от 02.06.2016, редакция от 01.01.2022 Подробнее: https://urst.com.ua/ru/o_sudoustroystve/razdel-III/glava-3

9. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 12.09.2023 г.). https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852&pos=8704;-58#pos=8704;-58

10. Махов, В. Н. Восстановить институт народных заседателей / В. Н. Махов, Т. Н. Карабанова // Законность. – 2010. – № 8(910). – С. 50-53. – EDN MUELTX. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=15179429>

11. Реховский А.Ф. Об участии народных заседателей в уголовном судопроизводстве Японии // Судебная власть и уголовный процесс. 2015. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ob-uchastii-narodnyh-zasedateley-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-yaponi>

12. Виктор Михайлович Быков новый закон о суде с участием присяжных заседателей: критические заметки // Право: история и современность. 2018. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/novyy-zakon-o-sude-s-uchastiem-prisyazhnyh-zasedateley-kriticheskie-zametki>

13. Шувалова М. Суд присяжных: менять или не менять? https://www.garant.ru/article/612249/?_utl_t=vk